«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Ғиждувон туман Маҳалла ва
нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими
Харид комиссиясининг раиси

_______________ З.Фузайлов

«07» ноябр 2022 йил

# ҒИЖДУВОН ТУМАН МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ ДИЛКУШО МФЙ ҲУДУДИДА МАХАЛЛА БИНОСИНИ ҚУРИШ ИШЛАРИГА ЛОЙИҲА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Ғиждувон туман - 2022 йил

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА
## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Ғиждувон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш бўлимига карашли Дилкушо МФЙ худудида Махалла биносини куриш ишларига лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш ишлари

1.2.Танловнинг юкори киймати– 5000000 (Беш миллион) сўм. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмида илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Ғиждувон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш бўлими (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили Ғиждувон туман Ўзбекистон кўчаси 94-уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Ғиждувон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувоҳнома"
- Коррупцияга карши талаблар 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Ташкилотнинг оргтехника руйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йурикномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти оркали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Охирги 3 йилда мазкур объект тоифаси ва кувватига мос иш тажрибасининг мавжудлиги
- Солик ва бошка мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома
- Охирги 3 йиллик баланс
- Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш(ажралиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак.
Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдикланган ҳолда ёки хар бир варoғини мухрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Қуйидаги хужжатлар тўлик бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битти таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлик жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўгрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН “**

**Ғиждувон туман Махалла ва**

**нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими**

**_______________З.Фузайлов**

**07 ноябр 2022 йил**

**Ғиждувон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими**

**ЛОЙИҲА ТОПШИРИҚ**

| № | Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талабларнинг мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | **Буюртмачи** | Ғиждувон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими |
| 2 | **Лойиҳани амалга ошириш учун асос** | 2022 йил харажатлар сметаси доирасида ажратилган маблағлари ҳисобидан |
| 3 | **Молиялаштириш манбаи** | Маҳаллий бюджет ҳисобидан |
| 4 | **Объектнинг тахминий қиймати** | 220.0 млн сўм |
| 5 | **Лойиха-смета суммаси** | 5000 000 сўм |
| 6 | **Лойиха ташкилоти(Бош лойихачи) номи** | Танлов асосида |
| 7 | **Хавсизлик ишлари шартлари** | Норматив хужжатлар талабларига риоя қилиш. Объектда ёнғин хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва санитария-гигиена режимига риоя қилиш учун жавобгарлик пудратчига тегишли бўлиб, жавобгарлик буйруқ билан белгиланади. буйруқ нусхаси буюртмачига берилади. Пудратчи шартнома имзолангунга қадар шартнома шартлари бўйича ишларни бажаришда қурилиш таваккалчилигини суғурталаш шартномасини тузиши ва буюртмачига шартноманинг нусхасини тўловни тасдиқловчи хужжат билан тақдим этиши шарт. |
| 8 | **Лойихалаштирилаётган объектнинг таркиби** | Дилкушо МФЙ ҳудудида Махалла биносини қуриш ишлари лойиха смета хужжатларини тайёрлаш |
| 9 | **Қабул қилинаётган қарорларнинг энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича таблар** | Лойиҳаланаётган объектда энергия тежамкор ускуналардан фойдаланишни кўзда тутиш |
| 10 | **Қурилиш мураккаблиги тоифаси** | Объектнинг мураккаблик даражасини кўрсатиш зарур |
| 11 | **Назорат талаблари ва иш натижаларини топшириш тартиби** | Ғиждувон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимиға қарашли Дилкушо МФЙ ҳудудида Махалла биносини қуриш ишлари лойиха смета хужжатларини тайёрлаш. Қурилиш монтаж ишларининг бажарилиши иш ҳажмларининг ва ишлатиладиган материаллар тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилади. |
| 12 | **Объектни молиялаштириш тартиби** | Бўнак – 30 % ; қолган 70 % маблағлар бажарилан иш ҳажмларини ҳужжатлаштирилгандан кейин тўлов ишлари амалга оширилади. |
| 13 | **Пудратчига техник ва бошқа ҳужжатларни топшириш бўйича талаблар** | Барча қурилиш монтаж ишлари лойиҳа смета хужжатларига асосан бажарилади. |